

# Кун рақами: «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚҚ да “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида амалга оширилган ишлар

// 02.12.2024

<https://uzkmyosanoat.uz/uz/press/news/kun-raqami-qungirot-soda-zavodi-mchzh-qk-da-yashil-makon-umu>



Чинакам халқ ҳаракатига айланган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида «Ўзкимёсаноат» АЖ тармоқ корхонларида ҳам кузги кўчат экиш тадбирлари фаол олиб борилмоқда. Хусусан, «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚҚга қарашли ҳудудларда, «Элобод шаҳарчаси», Янги Ўзбекистон мавзесида дараҳатлар, кўчатлар, буталар ва гуллар экиш, парваришлаш, уларни суғориш ишлари амалга ошириляпти.



Министерство  
окружающей  
среды и природных  
ресурсов Республики Узбекистан

Жорий йилнинг 11-ноябрь куни «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарув раиси Тимур Мухамеджановнинг «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚКга қилган сафари давомида янгидан **8 га** ерни ўзлаштириш ва **5 га** ерни кўкаламзорлаштириш ва ушбу ерларда томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш юзасидан вазифалар белгиланган эди.

«Ўзкимёсаноат» АЖ «Экология ва Яшил иқтисодиёт» бўлими бошлиғи Ниязов Данияр томонидан «Қўнғирот сода заводи» МЧЖ ҚКда “Яшил макон умуммиллий лойихаси” дастури асосида белгиланган вазифалар ижроси бевосита таҳлил қилинди.

Айни пайтда **“Қўнғирот сода заводи” МЧЖ ҚК** карашли “Янги Ўзбекистон” турар-жой массивида унумсиз тупроқ ўрнига 15 км узоқликдан соф тупроқ олиб келиниб, ерлар ўзлаштирилмоқда. Шунингдек, ушбу ерларга кўкаламзорлаштириш мақсадида маҳаллий ўғит билан ишлов берилмоқда.



uzkemyosanoat

uzkemyosanoat.uz

(+99878) 140-74-26

Шу билан бирга Янги Ўзбекистон массивини ҳам кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Хусусан янгидан **8 га** ер ўзлаштирилиб, **18,6 га** ерда агротехник тадбирлар олиб борилди. Худудда **16 571** дона манзарали ва мевали дараҳт кўчатлари, **23 429** дона бута кўчатлари ҳамда **6 406** дона гул экилди. **3 785 туп** дараҳтга зараркунандаларга қарши ишлов берилди.



  uzkemyosanoat

  uzkemyosanoat.uz

 (+99878) 140-74-26

«Ўзкимёсаноат» АЖ томонидан тасдиқланган Манзилли дастур асосида жами 40 000 дона қўчат экилди.



uzkimyosanoat

uzkimyosanoat.uz

(+99878) 140-74-26

**"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати**